


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 12 апрель, № 71 (5491) Пайшанба


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 6 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги 358–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 9, 415-модда; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 635-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 12, 467-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг биринчи қисми** «суғурта мукофотларидан» деган сўзлардан кейин «шунингдек суғурталовчининг бошқа маблағларидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **$6^1$-модданинг**:

**биринчи қисми**:

**тўққизинчи хатбошисидаги** «суғурта товони миқдорини» деган сўзлар «суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) миқдорини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн биринчи хатбошиси** «суғурта товони» деган сўзлардан кейин «(суғурта пули)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи қисми**:

**олтинчи хатбошиси** «суғурта товони» деган сўзлардан кейин «(суғурта пули)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**ўнинчи хатбошисидаги** «актуарийни (актуар ташкилотни)» деган сўзлар «актуар ташкилотни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **$8^1$-модданинг**:

**биринчи қисми учинчи хатбошисидаги** «(қайта суғурталовчини)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми**:

**учинчи хатбошиси** «суғурта» деган сўздан кейин «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**тўртинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи**, **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши;

фирма номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ва суғурталовчиларни хабардор қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт»;

4) **$9^1$-модда учинчи қисмининг учинчи хатбошиси** «суғурта товони» деган сўзлардан кейин «(суғурта пули)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **$9^2$-модданинг**:

**биринчи қисми**:

**биринчи хатбошиси** «суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг)» деган сўзлардан кейин «ва бошқа буюртмачининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «суғурталовчи учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** «суғурталовчи (суғурта қилдирувчи)» деган сўзлардан кейин «ва бошқа буюртмачи» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **$9^3$-модданинг**:

**биринчи қисми**:

**иккинчи хатбошиси** «суғурталовчини (суғурта қилдирувчини)» деган сўзлардан кейин «ва бошқа буюртмачиларни» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**учинчи хатбошисидаги** «суғурта қилдирувчидан (суғурталовчидан)» деган сўзлар «суғурталовчидан (суғурта қилдирувчидан) ва бошқа буюртмачилардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суғурта ҳодисаси рўй беришининг сабаблари ва ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш»;

**учинчи қисми**:

**бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

7) **$9^4$-модданинг**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**$9^4$-модда. Актуар ташкилот ва актуарий**»;

**биринчи қисми**:

**биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Актуар ташкилот қуйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик шахсдир»;

(Давоми 2-бетда).

# РАҚОБАТБАРДОШЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

*Бугун рақобатбардош маҳсулотларгина ички ва ташқи бозорда харидоргир бўла олади. Шундай экан, истеъмолчиларга таклиф этилаётган товарларнинг сифати юқори ва нархи нисбатан арзон бўлиши — энг устувор талаб. Ана шу мезонларни ҳисобга олмаган ишлаб чиқариш субъекти эса соғлом рақобатга дош бера олмай, инқирозга учраши, табиий.*



### Жараён

Қарши шаҳридаги собиқ 2-темир-бетон буюмлари заводи фаолияти ҳам ана шундай омиллар туфайли бутунлай тўхтаб қолган эди. Давлатимиз томонидан истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар корхона қаддини қайта тиклади. 2004 йилда мазкур йўналишда ишлаб чиқилган минтақавий дастурга асосан, заводга инвестиция жалб қилиниб, у “Давр





темир-бетон сервис” масъулияти чекланган жамиятига айлантирилди. Кўп ўтмай, 600 миллион сўмликдан зиёд сармоя эвазига қувватлар тўлиқ ишга туширилди. 2007 — 2011 йиллар давомида эса яна 380 миллион сўмлик қўшимча инвестиция киритилиб, бу ерда қайта жиҳозлаш ва модернизация тадбирлари амалга оширилди. Пировардида янги турдаги темир-бетон маҳсулотлари тайёрлашга киришилиб, қўшимча иш ўринлари яратилди.

— Ҳозир юзга яқин турдаги маҳсулот ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона раҳбари Исматилло Ғаниев. — Йўл тўсинлари, махсус темир-бетон қувурлар шулар жумласидан. Қолаверса, давлат ва халқаро аҳамиятга молик магистраль йўллар учун “БДО-5”, “БДО-3” русумли бетон тўсинлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйдик. Бунинг ҳисобига 12 кишининг бандлиги таъминланди. Бинобарин, Яккабоғ туманидаги корхонага қарашли тош саралаш заводида амалга оширилган модернизация ишларидан сўнг эски ускуналар қайта тикланиб, иш самарадорлиги ошди, 24 та қўшимча меҳнат ўрни барпо этилди.

Дарҳақиқат, жамият жамоаси томонидан олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Ўтган йилнинг ўзида бу ерда 3 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 156 километр халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари, 2 та кўприк, 857,3 минг квадрат метр якка тартибдаги ҳамда 123,4 минг квадрат метр намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилишида кенг фойдаланилгани бунга яққол мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

### Дунё нигоҳи

*Яқинда Германия пойтахтидаги “Мессе Берлин” кўргазмалар мажмуида “ІТВ — 2012” сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 187 давлатидан 11 минг иштирокчи, жумладан, Ўзбекистон вакиллари ҳам қатнашдилар. Тадбирда мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси ҳамда Ўзбекистоннинг қатор хусусий сайёҳлик компаниялари томонидан тақдим этилди.*

## Ўзбекистон Берлиндаги «ІТВ – 2012» халқаро сайёҳлик анжуманида

***“ІТВ — 2012” доирасида ўзбекистонлик мутахассислар ярмарка иштирокчиларига юртимиз сайёҳлик салоҳияти ва соҳа тараққиёти ҳақида батафсил маълумотларни тақдим қилиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, ярмарка чоғида мазкур соҳада ҳамкорликни ривожлантириш учун дунёдаги турли мамлакатлар сайёҳлик компанияларининг вакиллари билан қатор учрашувлар ҳам ўтказилди. Ўзбекистон вакиллари халқаро ярмарка қатнашчиларини республикамизнинг қадимий ва бетакрор шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива бўйлаб саёҳатлар билан бирга, диёримизнинг бошқа минтақаларини қамраб олган янги сайёҳлик йўналишлари билан таништирдилар.***

***Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари бўлмаларини кўздан кечирган анжуман иштирокчи ва меҳмонлари “Жаҳон” АА мухбири билан суҳбатда ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.***

Хусусан, **“Team Reisen” сайёҳлик компанияси тижорат ишлари директори Кристиан Буркхардт (Швейцария)** ўзи фаолият юритаётган компания сайёҳларга кенг турдаги юқори сифатли сайёҳлик хизматларини таклиф этишини билдирди.

— Мазкур халқаро ярмарка доирасида мен Ўзбекистон томони билан сайёҳлик соҳасидаги бўлажак ҳамкорлик учун тегишли шартномалар имзолаш мақсадида мамлакатингиз бўлмасини кезиб кўрдим, — деди у. — Соҳа мутахассиси сифатида мен юртингизнинг салмоқли сайёҳлик салоҳиятига, Ўзбекистонни бориб кўришни истайдиган швейцариялик туристларни ўзига жалб қиладиган бой маданиятга, бетакрор табиатга эга эканлигини айтишни истар эдим. Шу боис ўзаро манфаатли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида қатор ўзбекистонлик шериклар билан учрашувлар ўтказдим.

**“Tourismus Congress GmbH” немис сайёҳлик компанияси маркетинг бўлими раҳбари Нина Кордт** фикр билдирганидек, Ўзбекистон делегациясининг ушбу сайёҳлик ярмаркасидаги иштироки ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Чунки сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи компания ва фирмаларнинг вакиллари ўзларини қизиқтирувчи масалаларни бевосита муҳокама қилишлари ва бундан кейинги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишлари мумкин бўлади. “Ўзбекистон ўзининг диққатга сазовор жойлари билан бутун дунёга машҳурдир, — деди у. — Шубҳасиз, Берлиндаги мазкур сайёҳлик ярмаркаси Германия ва Европа минтақасининг бошқа мамлакатларидан юртингизга сайёҳлик оқимининг ортишига кўмаклашади”.

**“TAU Travel” сайёҳлик компанияси бош директори Ажда Кошар (Туркия)** туризм соҳасида бир неча йиллардан буён ўзбекистонлик ҳамкасблари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб бораётганини билдирди.

(Давоми 2-бетда).

## Сариштали уй – фариштали уй

*Шофиркон туманидаги Хўжа Ориф маҳалласида яшовчи Исомовлар хонадони олдидан ўтсангиз, бу ҳовлида истиқомат қилаётганлар нозик дидли, фаҳм-фаросатли, юртпарвар инсонлар бўлишса керак, деган фикрга келишингиз тайин.*

### Ибрат

Чиндан ҳам шундай. Ҳали тонг отмай туриб дарвоза олди супурилиб-сидирилиб, чиннидай топ-тоза қилиб қўйилади. Ҳовли ичини-ку айтмай қўя қолайлик: саранжом-сариşта, тоза-озода. Томорқани айтмайсизми? Бу ердаги мўъжазгина анорзор, олмазор, шафтолизор, токзорни кўриб ҳайратингиз ошади.

— Баъзан таниш-билишлар “Ёшингиз анчага бориб қолди. Энди бундоқ оёқ узатиб, санаторийларда дам олиб келсангиз бўлмайдими”, деб қолишади, — дея ҳикоя қилади хонадон соҳиби Фахриддин Исомов. — Мен шунда уларни ҳовлимга бошлаб келаман. Бу ердаги мевазору токзорни кўриб тилларини тишлаб қолишади. “Ҳовлингиз нақд курортнинг ўзи экан-ку” деганлари ҳам бор...

Фахриддин отанинг гапларида муболаға йўқ. Ток новдалари қизларнинг ўрилган сочлари каби тарам-тарам. Анор кўчатлари ҳаё билан турган келинчакни эслатади. Ўриклар ортидан қийғос гуллаган шафтолини айтмайсизми? Гулзордаги анвойи гулларга боқиб, ишонч ҳосил қиласиз: маҳалладагилар бу ҳовлидан баҳор, ёз, куз бўйи гул ҳиди анқийди, дея бежиз айтишмас экан.

Дарвоқе, бу хонадондан кеч куз, эрта баҳорда одам оёғи узилмайди. Гап шундаки, Фахриддин ота — миришкор деҳқон. Ток, анор, шафтоли кўчатлари етиштиради. Энг сара гул кўчатларини ҳам шу ердан топасиз. Оила аъзолари тўрт сотих ерда помидор ниҳолларини ҳам етиштириб сотишади. Иссиқхона қуёшдан ва... чиритилган маҳаллий ўғитдан қувват олиб ишлайди. Бошқача айтганда, Фахриддин ота иссиқлик учун ҳеч нима сарфламай туриб, полиэтилен плёнка остида ҳар мавсумда юз минг дона помидор кўчати етиштиради. Бунинг ёнига уч минг дона гул, тўрт минг дона анор, беш минг дона ток кўчатини қўшсангиз, оила беш сотихни эгаллаган анорзор, олмазор ва токзордан тузуккина даромад қилаётганини, оғилда уч бош қорамол, тўрт-беш бош қўй, катакда йигирмата товуқ боқилаётганини ҳисобга олсангиз, оиланинг ўзига тинч, фаровон яшаётгани сирини англаган бўласиз.

— Ерни қанча эъзозласак, шунча барака топамиз, — дея мулоҳаза юритади отахон. — Экин эксак, боғ-роғ қилсак, ҳаво мусаффо бўлади. Чўнтагимиз пул кўради. Билсангиз, саранжом-саришталикда ҳикмат кўп. Биз бир парча ердан оқилона фойдаланиб, йилига йигирма миллион сўм атрофида даромад кўраяпмиз. Шукр, уч ўғил, икки қизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдик.

(Давоми 2-бетда).



## Ёш истеъдодимиз – халқаро танлов ғолиби

*Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, “Ниҳол” мукофоти совриндори Барно Исматуллаева Москва шаҳрида бўлиб ўтган XVIII Халқаро талабалар танлови — “Bella Voce”да фахрли биринчи ўринни эгаллади.*

### Офарин!

У, шунингдек, ушбу танловнинг “Энг яхши ижрочиси учун” йўналишида махсус мукофотни қўлга киритди.

Мазкур танлов халқаро аҳамиятга эга бўлиб, у 1993 йилдан буён ўтказиб келинади. Ўтган йиллар давомида ушбу кўрикда дунёнинг бир қатор мамлакатларидан 1500 нафардан зиёд талаба иштирок этган. “XXI аср юлдузлари” деб аталадиган опера ва камер хонандаларининг аксарияти — “Bella Voce” совриндорларидир.

Дарвоқе, “Bella Voce” ғолибаси, ёш опера хонандаси Барно Исматуллаева Италияда бўлиб ўтадиган Беллини номидаги халқаро танловда ҳам қатнашадиган бўлди.

**М. КАРИМОВА.**

### «Биз — бир жамоа, биз — бир оила»

## Эзгу мақсад йўлидаги интилиш

Шижоат, интилиш ва фаоллик — ёшларимизга хос хислат. Қувонарлиси, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ана шундай ғайратли, ташаббускор ўғил-қизларни янгидан-янги орзу-мақсадлар сари руҳлантиришга қаратилган қатор хайрли тадбирлар ташкил қилинмоқда.

Самарқанд вилоятида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда “Аёллар кенгаши” жамоат бирлашмасининг навбатдаги йирик лойиҳаси — “Биз — бир жамоа, биз — бир оила” ижтимоий акцияси уюшқоқлик билан ўтказилди. Мазкур лойиҳа тадбирларида бу гал 15 минг нафардан зиёд талаба ва ўқувчи ёшлар иштирок этишди.

Тадбирлар вилоят Ёшлар маркази, Самарқанд давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали, Самарқанд давлат чет тиллар институти ва бошқа бир қатор олий ўқув

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**учинчи хатбошисидаги** «(қайта суғурталовчининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошисининг русча матнидаги** «(перестраховщиком)» деган сўз чиқариб ташлансин;

**еттинчи** ва **саккизинчи хатбошиларидаги** «(қайта суғурталовчининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«актуар ҳисоб-китобларини амалга ошириш бўйича дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш;

суғурта билан боғлиқ бошқа актуар хизматлари кўрсатиш»;

**иккинчи — олтинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи — бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Актуар ташкилот шартномага мувофиқ тўлов асосида фақат актуар хизматларини кўрсатиши мумкин.

Актуарий махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини олган ва актуар ташкилот штатида турган ёки актуар ташкилот билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузган жисмоний шахсдир.

Актуарий сифатсиз актуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ошкор қилганлик ва актуар ташкилотнинг зарар кўришига олиб келган ўзга хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар учун актуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Актуар ташкилот ўз штатида камида битта актуарийга эга бўлиши керак»;

**еттинчи**, **саккизинчи** ва **тўққизинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи**, **еттинчи** ва **саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

8) **9⁵-модданинг**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**9⁵-модда. Актуар ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**»;

**биринчи қисми**:

**биринчи**, **иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Актуар ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

актуар хизматлари кўрсатиладиган суғурталовчини ва бошқа буюртмачиларни эркин танлаш;

актуар хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот суғурталовчи ва бошқа буюртмачилар томонидан тақдим этилмаган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишни рад этиш»;

**тўртинчи хатбошисидаги** «актуарийларни» деган сўз «актуар ташкилотларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Актуарий» деган сўз «Актуар ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми**:

**биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Актуар ташкилот»;

**тўртинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

**тўртинчи қисмидаги** «Актуарий» деган сўз «Актуар ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **9⁶-модда биринчи қисмининг иккинчи** ва **учинчи хатбошилари** «суғурта» деган сўздан кейин «(қайта суғурта қилиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

10) **9⁷-модданинг**:

**учинчи қисми**:

**тўртинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

11) **9⁹-модданинг**:

**учинчи қисми**:

**тўртинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги** «шарт» деган сўз чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига кўра тақдим этиши шарт»;

12) **10-модданинг иккинчи қисми**:

**олтинчи хатбошиси** «суғурта брокерининг» деган сўзлардан кейин «ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни сўраб олади»;

**ўн еттинчи хатбошиси ўн саккизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

13) **11-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қайта суғурта брокерлари, аджастерлар, актуар ташкилотлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанслар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир ҳафталик муддатда бу ҳақда махсус ваколатли давлат органини ёзма равишда хабардор қилади»;

14) **13-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**13-модда. Суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номига доир талаблар**

Суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номида илгари ташкил этилган суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга айнан ўхшаш бўлган белгилар қўлланилишига йўл қўйилмайди, бундан суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг филиаллари, шунингдек унитар корхона шаклида бошқа суғурталовчилар томонидан ташкил этилган суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг фирма номлари мустасно»;

15) **22-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлмиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **24-модданинг иккинчи қисмидаги** «Суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига» деган сўзлар «Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **25-модданинг**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлар суғурталовчиларнинг ва аджастерларнинг сўровига кўра суғурта ҳодисаларининг рўй бериши сабаблари ҳамда ҳолатларини, шунингдек суғурта товони (суғурта пули) миқдорларини суғурталовчи ва аджастер томонидан аниқлаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни тақдим этиши шарт»;

**иккинчи қисмидаги** «суғурталовчилар ёки суғурта брокерларидан» деган сўзлар «суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **26-модда**:

**бешинчи қисми** «суриштирув ва тергов органларига» деган сўзлардан кейин «суднинг ундирувни суғурта қилдирувчининг мол-мулкига қаратиш ёки бу мол-мулкни хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тузилган суғурта шартномалари тўғрисидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит бюроларига тақдим этилади»;

19) **27-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл суғурта ташкилотлари томонидан суғурта амалга оширилишига йўл қўйилмайди».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 11 апрель
№ ЎРҚ—323

# Ўзбекистон Берлиндаги «ITB – 2012» халқаро сайёҳлик анжуманида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Мен ўзим кўп маротаба юртингизда бўлганман, — дейди А. Кошар. — Ўзбекистон ва Туркияни кўплаб умумий хусусиятлар, жумладан, маданият, тил, тарих ва шу сингари бошқа муштарakliклар боғлаб туради. Қолаверса, Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳият, бой тарих, анъаналар ва кўҳна меъморчиликнинг бетакрор обидаларига эгалигини алоҳида таъкидлашни истардим. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси, “Sogdiana Travel”, “Dolores Travel” каби ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликда биз ҳар йили Ўзбекистон ва Туркия бўйлаб алоҳида саёҳатларни уюштирамиз. Мижозларимиз биз тақдим этаётган хизматларнинг сифатидан ниҳоятда мамнундирлар.

**Тироль шаҳар хусусий сайёҳлик операторларидан бири — Сабине Хертл (Австрия)** бир неча йиллардан буён сайёҳлик соҳасида Ўзбекистоннинг қатор фирма ва компаниялари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилаётганини ва бутун Ўзбекистон бўйлаб австриялик туристлар учун саёҳатлар ташкил этиб келаётганини таъкидлади. “Биз тақдим қилинаётган хизматлар сифатини ошириш устида изчил иш олиб бормоқдамиз, — деди у. — Ўзбекистонлик шерикларимиз билан биргаликда янги йўналишларни ҳаётга татбиқ этаётирмиз. Ўзбекистон сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга эканлиги бизга яхши маълум. “ITB — 2012” Халқаро сайёҳлик ярмаркаси — амалий алоқалар ўрнатиш, халқаро анжуманда қатнашаётган мамлакатларнинг мазкур соҳадаги салоҳиятини кенг ўрганиш ва Ўзбекистонга сайёҳлик оқимини кучайтириш учун жуда ажойиб имкониятдир”.

Яна бир **австриялик сайёҳлик оператори Ингрид Бухлайтер** ҳам сайёҳлик бизнеси соҳасида ўзбекистонлик ҳамкасблари билан фаол иш олиб бораётганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистонга саёҳат уюштириш истагида бўлганлар сони йил сайин ортиб бормоқда. “Одатда сафар олдидан сайёҳларимиз Ўзбекистон ва унинг қадимий шаҳарлари тўғрисида кам тасаввурга эга бўлишади, — дейди И. Бухлайтер. — Аммо ватанларига қайтишганидан сўнг улар дўстлари ва яқинларига Ўзбекистонда ўтган кунлари ҳақида катта завқ ва шавқ билан сўзлаб берадилар”.

**Германиялик журналист Берндт Бруссиг** мамлакатимизнинг бой сайёҳлик салоҳиятини кенг намойиш этган Ўзбекистон фирма ва компаниялари бўлмаларини кўришдан ниҳоятда мамнун бўлганини айтди. “Ўзбек халқининг кўҳна тарихи ва бой маданияти менда жуда катта таассурот қолдирди, — деди немис журналисти. — Ўзбекистон ҳамиша ўзининг меҳмондўстлиги ва самимияти билан ажралиб туриши ҳақида кўп эшитганман. Юртингизнинг сайёҳлик салоҳияти, ўзбекистонлик фирма ва компанияларнинг ушбу улкан анжумандаги иштироки республикангизга дунёнинг турли мамлакатларидан янада кўпроқ сайёҳларни жалб этишига ишончим комил”.

**«Жаҳон» АА.**
Берлин

## Танлов

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида “Олтин қалам” VII Миллий мукофоти учун халқаро танлов ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ИЖОДИЙ ПАРВОЗГА УНДАЙДИ

Унда халқаро танловнинг жорий йилги ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда “Олтин қалам” Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жараёнида ахборот соҳасини ислоҳ этиш, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Истиқлол йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари маъно-мазмун жиҳатидан бутунлай янгиланди.

Журналист кадрларнинг меҳнатини эъзозлаш ва ҳар жиҳатдан рағбатлантиришда, ижодини янада юқори талаблар асосида йўлга қўйишда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ижодий кўрик-танловларнинг аҳамияти катта.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб таъсис этилган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов бунга ёрқин мисолдир. Танлов Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Uzreport” ахборот агентлиги ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Жорий йил еттинчи маротаба ўтказилаётган танлов миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз гражданлик позициясини намоён этиши учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро танлов телевидение, радио, матбуот ва интернет-журналистика йўналишлари бўйича ўтказилмоқда. Мамлакатимиз ҳаёти, юртимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнини холис ва ҳаққоний ёритиб келаётган чет эллик журналистлар учун махсус номинация ажратилгани танлов кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Танловда қатнашиш истагидаги журналистлар сафи йил сайин кенгайиб бораётир. Жорий йилда танловга “Мустаҳкам оила йили”га бағишланган энг яхши материал учун” номинацияси ҳам киритилди. Шу кунга қадар ўтказилган олти танловда 155 нафар журналист асосий ва рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди. Кўплаб ижодкорлар мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нуфузли халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди.

Йиғилишда “Олтин қалам” VII Миллий мукофоти учун материалларни қабул қилиш муддати ниҳоясига етгани маълум қилинди. Жорий йил ушбу танловда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бораётган 450 нафардан зиёд журналист 8 мингдан ортиқ ижодий иши билан иштирок этмоқда.

Тадбирда “Олтин қалам” VII Миллий мукофоти халқаро танлови ҳайъати ва унинг ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. “Олтин қалам” Миллий мукофоти доирасида турли номинациялар таъсис этиб келаётган БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари бир қатор халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари сафига Словениядаги “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилотининг Ўзбекистондаги бўлими ҳам қўшилди.

**(ЎзА).**

## Тадбир

*“Навоийазот” очиқ акциядорлик жамиятида 12 минг киши меҳнат қилади. Яқинда улар сафига Навоий индустриал-иқтисодиёт ҳамда техника-иқтисодиёт коллежларининг 300 нафар битирувчиси ҳам қўшилади.*

# Бугун талаба, эртага мутахассис

Куни кеча мазкур йирик кимё саноати мажмуасида коллежлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик ҳамда ташкилотлар вакиллари ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари иштирок этди. Тадбирда битирувчиларни ишга жойлаштиришда коллеж ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, семинар қатнашчилари вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

— Ўтган йили коллежни тугатиб, “Навоийазот” корхонасининг Органик бирикмаларни ишлаб чиқариш цехида иш бошладим, — дейди ёш кимёгар Асилбек Сайфиддинов. — Ҳозир катта жамоада меҳнат қилаётганимдан хурсандман. Коллежда ўрганган билимларим фаолиятимда қўл келмоқда.

**А. ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# РАҚОБАТБАРДОШЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Жорий йилдаги режалар салмоғи ҳам катта. Айни пайтда 2 миллиард сўмликдан ошиқ темир-бетон буюмлари учун буюртмалар қабул қилинган. Уларни сифатли ва белгиланган муддатларда тайёрлаш учун корхонанинг уч юз нафарга яқин ишчи-хизматчилари астойдил меҳнат қилишмоқда.

Эътиборлиси, вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган истиқболли корхоналар кўп. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида улар томонидан 38,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Натижада ушбу тармоқнинг саноат ишлаб чиқаришидаги ўсиши 25,4 фоизга етди. Жорий йилда эса Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича ҳудудий дастурига мувофиқ яна 33 та саноат корхонасини ишга тушириш ва мавжуд 100 та ишлаб чиқариш субъектини модернизация қилиш режалаштирилган.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Шомурот ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Эзгу мақсад йўлидаги интилиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

юртларида ташкиллаштирилди. Вилоятдаги “Ёшлар маркази”да Зебо Қўлдошева, Ҳусан Тўхтаев сингари иқтидорли ёшларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тадбир иштирокчилари таълим маскани битирувчиларининг кичик бизнес соҳасидаги интилишларини қўллаб-қувватлаш, истиқболли инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, бандликни таъминлаш каби долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

“Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи марказ” билан ҳамкорликда ўтказилган “Таълим ва карьера” кўргазмасида вилоятдаги 100 дан зиёд корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқшунос мутахассислар, шунингдек, олий ва ўрта махсус билим юртлари битирувчилари жамулжам бўлишди.

— Рости, бугунги акция сабаб ҳаётимда шу қадар муҳим ўзгариш содир бўлишини ҳеч ўйламагандим, — дейди Шабнам Исматова. — Хурсандчилигимнинг боиси шуки, “Таълим ва карьера” кўргазмасида қатнашиб, ўзим қизиққан ва орзу қилган касбда ишлаш имкониятига эга бўлдим. Бу йил Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тамомлайман. Ўқишни битказиб, мутахассислик дипломига эга бўлишим биланоқ Самарқанд шаҳридаги 45-умумтаълим мактабида иш бошлашим мумкин. Келгусида замонавий педагогик технологиялар асосида ўқувчиларга сабоқ бериб, адабиётга меҳр қўйган ижодкор ёшларни тарбиялаш ниятидаман.

Лойиҳа доирасида соғлом турмуш тарзи тарғиботига йўналтирилган бир қатор маънавий-маърифий тадбирлар, миллий спорт ўйинлари беллашуви, интерактив кўрик-танловлар ҳамда “Ҳаёт учун” хайрия марафони ўтказилди. Шундан сўнг мазкур тадбирларда ғолиб деб топилган иштирокчилар махсус соврин билан тақдирландилар.

Акция Самарқанд санъат коллежида бўлиб ўтган катта концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сариштали уй – фариштали уй

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Барчаси ҳаётдан ўз ўринларини топиб кетишган. Ўн беш неварам бор. Уларни ҳам саранжом-саришталикка, меҳнатга ўргатаяпмиз. Баъзан дангаса, ялқов, олма пиш, оғзимга туш қабилида яшаётган кишиларни кўрганимда “Эсиз умр”, дея ачиниб кетаман. Ҳовлисини бийдай чўлга айлантириб қўйган, супаси ҳафталаб супурги кўрмаган оилада барака бўладими, ахир?!

— “Сариштали уй — фариштали уй”, деган нақл бежиз айтилмаган, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, Бухоро шаҳридаги Абдулхолиқ Ғиждувоний кўчасида яшовчи Ҳожиқурбон Ҳайитов. — Тоза-озода, саранжом-саришта уйни фаришталар тарк этишмайди. Бундай уйга қут-барака ёғилиб туради. Афсуски, орамизда шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйган оилалар ҳам учрайди. Мен шундай кишиларга халқимиз азал-азалдан гулга, гўзалликка ошно бўлиб келганини эслатишни истар эдим. Буни қишлоқларимиз номидан ҳам билиш мумкин: Оқгул, Боғидашт, Чорбоғкент. Қизларимизнинг гул билан боғлиқ исмларини-ку эслатмай қўя қолай.

Саксонни қоралаб қўйган Ҳожиқурбон аканинг ўзи ҳам чинакам гул шайдоси. Хонадонига кирсангиз, етмиш тупга яқин гул кўчатини учратасиз. Атиргул, настарин, ялпиз, раъногулларнинг кўрки, хушбўйи ҳовлига ажиб бир тароват бахш этиб турибди. Ҳожиқурбон ака уларни айрича бир меҳр билан парваришлайди, гулларидан, гул кўчатларидан қўни-қўшни, маҳалладошларига улашади. Уни маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги ободонлаштириш комиссияси раиси этиб сайлашгани ҳам бежиз эмас.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлимидан олинган маълумотларга кўра, айни пайтда Бухорода жами 343 мингтадан зиёд хонадон бор. Улар ихтиёрида, табиийки, томорқа ерлари ҳам мавжуд. Агар ҳар бир хонадон ўз ҳовлисини тоза-озода, саранжом-саришта тутиб, ердан оқилона фойдаланса, Фахриддин акаю Ҳожиқурбон оталарга ўхшаган юртпарвар инсонлардан ибрат олса, нақадар ажойиб иш бўлур эди. Зеро, жаннатмонанд юртимизга обод гўшалар ярашади!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Муайтайчиларимиз мухлисларни хурсанд қилишади

*Ўтган йилнинг 20 — 27 сентябрь кунлари мамлакатимиз йирик спорт анжумани — муайтай бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилган эди. Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада дунёнинг етмишга яқин мамлакатидан минг нафарга яқин спортчи қатнашганди.*

## Бизнинг интервью

*Ўшанда Ўзбекистоннинг мусобақани юқори савияда ташкил қилгани кўплаб хорижий мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилган. Табиийки, бу Халқаро ҳаваскор ва профессионал муайтай федерациясининг юртимизга бўлган ҳурмат ва эътиборини янада оширди. Шу боис мазкур нуфузли спорт ташкилоти ҳар йили юртимизда "Буюк Ипак йўли" соврини учун халқаро турнир ўтказишга қарор қилди. Унинг биринчиси шу йил 16 апрель куни пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт-соғломлаштириш мажмуасида бошланади.*

*Турнир доирасида муайтай бўйича қитъалараро чемпионлик камари соҳиби, ҳамюртимиз Фирдавс Холмуродов ўз унвонини ҳимоя қилиш учун рингга кўтарилади. "Халқ сўзи" мухбири ана шу нуфузли мусобақа олдидан Халқаро ҳаваскор ва профессионал муайтай федерацияси ижроия қўмитаси аъзоси, Осиё ҳаваскор муайтай федерацияси вице-президенти, Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раиси Шерзод ТОШМАТОВга бир неча савол билан мурожаат қилди.*

**— Шерзод Рихсибоевич, айтинг-чи, илк бор ташкил этилаётган мана шундай нуфузли мусобақани ўтказишда айнан юртимиз танланганининг боиси нимада деб ўйлайсиз?**

— Биласиз, мамлакатимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш масаласига Президентимиз раҳнамолигида давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида қаралади. Чунки халқимизнинг эртанги куни, келажаги бугун улғаяётган фарзандларимиз тақдири билан узвий боғлиқ. Соғлом авлодни вояга етказишда эса спортнинг ўрни беқиёс. Буни ўтган вақт мобайнида ўғил-қизларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар самаралари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

"Буюк Ипак йўли" соврини учун халқаро турнирни ўтказиш вазифаси мамлакатимизга ишониб топширилгани ҳам Президентимиз томонидан Ўзбекистонда спортни ривожлантириш борасида ноёб модель яратилганининг халқаро миқёсда яна бир карра тан олингани ифодаси, дейиш мумкин.

**— Шу ўринда юртимизда муайтайни оммавийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз...**

— 1995 йилнинг 1 майида Ўзбекистон Муайтай федерацияси ташкил этилганди. Ташкилот мавқеи ва аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида кейинчалик у Ўзбекистон Ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциациясига айлантирилди. Бугун ассоциациянинг республикамиз бўйича мавжуд 11 бўлими томонидан жойларда ушбу спорт тури кенг оммалаштирилмоқда. Қувонарли жиҳати, мамлакатимизда унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Ҳозир Ўзбекистонда турли ёшдаги 20 мингдан ортиқ кишининг муайтай билан шуғулланаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Қолаверса, ассоциациямиз мураббийлар, ҳакамлар малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

**— Турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар ва уларнинг рақиблари ҳақида маълумот бериб ўтсангиз.**

— Мусобақаларда тўрт нафар спортчимиз рейтинг жангини ўтказади. Булар Шуҳратбек Ботиров, Азиз Назаров, Саидаҳмад Орипов ва Юсуф Ибрагимовдир. Вакилларимизга қарши Таиланд, Малайзия, Бразилия, Литва ва Россия мамлакати спортчилари рингга кўтарилади. Рақибларнинг барчаси кучли муайтайчилар ҳисобланади. Масалан, Азиз Назаровга қарши баҳс олиб борадиган таиландлик спортчи Чангпуак Ситтермсуб ҳозиргача 136 жанг ўтказиб, 103 тасида ғалабага эришган. Юсуф Ибрагимовнинг рақиби бразилиялик Марсело Тенорио эса 57 бор рингга кўтарилиб, 42 маротаба зафар қучган. Спортчиларимиз мазкур турнирга жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Умид қиламизки, улар юксак натижаларни қўлга киритишади.

**— Турнир доирасида ҳамюртимиз Фирдавс Холмуродов эса ўзининг қитъалараро чемпионлик камарини ҳимоя қилади. Айтинг-чи, спортчимизнинг бу жангда имкониятлари қандай?**

— Фирдавс Холмуродов ҳозир Ўзбекистоннинг энг кучли муайтайчиси ҳисобланади. Буни у ўтган йили пойтахтимиз мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида ҳам исботлаганди. Ўшанда профессионаллар орасида баҳс ўтказган Фирдавс 63,5 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритганди. Қолаверса, икки йилдирки, у қитъалараро чемпионлик камарини ўзида сақлаб келмоқда. Спортчимизнинг рақиби литвалик Евгений Кауниетис ҳам кучли муайтайчи. Фирдавснинг рақибини ҳурмат қилган ҳолда, ҳамюртимиз бу сафар ҳам ўз унвонини муносиб ҳимоя қила олишига ишонаман.



**— Мусобақада қатнашадиган спортчиларнинг муносиб тайёргарлик кўришлари учун ассоциация томонидан қандай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда?**

— Ҳар бир мезбон давлат ўзида ташкил этиладиган мусобақаларда спортчиларидан юқори натижаларни кутади. Биз ҳам ана шуни инобатга олиб, муайтайчиларимизнинг мусобақада муносиб иштирок этишлари учун барча имкониятларни ишга солдик. Жумладан, ўқув-йиғин машғулотлари уч босқичда олиб борилди. Дастлаб спортчилар Тошкентда йиғилдилар. Кейин муайтай ватани — Таиландда хориж йиғини ташкил қилинди. Мазкур тайёргарлик жараёнида улар ўртоқлик жангларида ҳам қатнашишди. Сўнгги йиғин эса Самарқандда давом эттирилди. Тайёргарлик жараёнида мамлакатимизнинг энг малакали мураббийлари спортчиларимизга ўз кўрсатма ва тавсияларини бериб боришди. Насиб қилса, пойтахтимизда ташкиллаштирилаётган мазкур турнирда вакилларимиз ўзларининг нималарга қодир эканликларини яна бир бор намойиш этиб, ўзбек ўғлонлари ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашади.

**Фазлиддин АБИЛОВ суҳбатлашди.**

# Марказ иш бошлади

*Қўқон шаҳрида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Фарғона филиали ташаббуси билан "Ягона ойна" маркази фаолияти йўлга қўйилди.*

## Хизмат

Бунинг учун шаҳардаги бир асрлик тарихга эга бино 270 миллион сўм эвазига таъмирланди. Ҳозир бу ерда телефон тармоқлари компанияларининг 25 мингдан зиёд мижозларига хизмат кўрсатилмоқда. Шунингдек, марказда бир йўла интернетга уланиш, уяли ва стационар алоқа воситалари таъмирлаш ҳамда ахборот хизматларидан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд.

**Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!*

TASHKENT ARXITEKTURA QURILISH INSTITUTI TAQI 1991

## ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**маъмурияти 2011/2012 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

***Битирувчиларга келгусидаги иш жойларини танлаш имкониятини яратиш мақсадида, корхона ҳамда ташкилотларнинг уларга бўлган эҳтиёж ва имкониятлари (маош, тураржой таъминоти ва бошқа имтиёзлар) ҳақида институтга талабнома ва сўров хати билан мурожаат қилишларини сўраймиз. Жорий йилнинг 20 апрель куни соат 14.00 да институтда бўлиб ўтадиган «Битирувчи — 2012» амалий анжуманига битирувчиларимизга эҳтиёжи бўлган барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларини таклиф этамиз.***

**Манзилимиз: 100011, Тошкент ш., Навоий к., 13-уй.**
**Тел.: (8-371) 241-14-52, факс: 241-80-00 ёки e-mail: info@taqi.uz**
***(Г — давлат гранти асосида, Ш — шартнома асосида)***

Шу жумладан, вилоятлар бўйича

| Т/р | Таълим йўналишлари ва мутахассисликлар номи | 2011/2012 ўқув йили битирувчилари сони | | | Қорақалпоғистон Республикаси | | Андижон | | Бухоро | | Жиззах | | Навоий | | Наманган | | Самарқанд | | Сурхондарё | | Сирдарё | | Тошкент | | Фарғона | | Хоразм | | Қашқадарё | | Тошкент ш. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жами | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| | **БАКАЛАВРИАТ** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Архитектура | 76 | 23 | 53 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | | 2 | | | 2 | 6 | | | | | | 1 | | 4 | | 2 | 1 | 3 | | | 17 | 51 |
| 2. | Дизайн | 73 | 17 | 56 | | | | | | 1 | | 2 | 1 | | 1 | | | 1 | 1 | 1 | | | | 5 | 1 | 1 | | | | | 13 | 55 |
| 3. | Менежмент (соҳалар бўйича) | 127 | 31 | 96 | 1 | 2 | | | | 9 | 2 | 3 | | 6 | | 3 | 1 | 1 | 2 | 4 | 1 | | 1 | 16 | 1 | | 1 | 1 | 1 | 8 | 20 | 67 |
| 4. | Геодезия, картография ва кадастр | 37 | 8 | 29 | | 2 | 1 | | | | | | | 2 | | 1 | | | | 1 | | | 1 | 4 | | | | | 2 | 2 | 4 | 17 |
| 5. | Бинолар ва иншоотлар қурилиши | 120 | 39 | 81 | 1 | 2 | | 3 | | 2 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 2 | | 2 | 2 | 6 | 1 | 3 | 6 | 15 | | | 6 | 6 | 4 | 10 | 17 | 56 |
| 6. | Шаҳар қурилиши ва хўжалиги | 51 | 12 | 39 | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | 1 | | | | 1 | 6 | | | 1 | | | 1 | 9 | 28 |
| 7. | Муҳандислик коммуникациялари қурилиши | 53 | 15 | 38 | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | 5 | 10 | | | | 1 | | 3 | 9 | 21 |
| 8. | Қурилиш материаллари ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияси | 41 | 14 | 27 | | 2 | 1 | | 1 | 1 | | | 1 | | | 1 | | 1 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | 7 | | | | | 1 | 4 | 6 | 21 |
| 9. | Касб таълими (муҳандислик коммуникациялари қурилиши) | 24 | 8 | 16 | | | | | 1 | | | | | 1 | | | 1 | | 1 | 3 | | | | 2 | | 1 | | | 3 | 3 | 2 | 6 |
| 10. | Касб таълими (бинолар ва иншоотлар қурилиши) | 31 | 10 | 21 | | | | | | | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | 2 | | | 2 | 3 | | | | | 2 | 6 | 3 | 8 |
| 11. | Касб таълими (шаҳар қурилиши ва хўжалиги) | 14 | 5 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | 5 | 7 |
| 12. | Касбий таълим (қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш технологияси) | 22 | 10 | 12 | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 2 | | | | 1 | 5 | | | | 1 | 2 | 2 | 5 | 2 |
| 13. | Сервис | 25 | 8 | 17 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | | 3 | 5 | | 2 | | | 1 | | 3 | 8 |
| 14. | Гидротехника қурилиши | 20 | 7 | 13 | | | | | | 1 | | 1 | | | 2 | | | 1 | | | | | 1 | 3 | | | | | 1 | 3 | 3 | 4 |
| | **Жами** | **714** | **207** | **507** | **3** | **9** | **4** | **5** | **3** | **19** | **3** | **10** | **3** | **15** | **6** | **14** | **3** | **8** | **12** | **20** | **3** | **6** | **23** | **87** | **2** | **6** | **9** | **12** | **17** | **42** | **116** | **351** |
| | **МАГИСТРАТУРА** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Менежмент (қурилиш) | 7 | 3 | 4 | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | | | 1 | 1 | | |
| 2. | Амалий геодезия | 6 | 2 | 4 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | 3 | | | | | | | | |
| 3. | Бинолар ва иншоотлар архитектураси | 8 | 2 | 6 | | | | | | | | | 1 | | | | | 2 | | | | | 1 | 3 | | | | 1 | | | | |
| 4. | Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш | 6 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | 2 | 2 | | | | |
| 5. | Шаҳарсозлик, туман ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаш | 3 | 2 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | |
| 6. | Ландшафтлар архитектураси | 2 | 2 | 0 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| 7. | Бино ва иншоотлар қурилиши | 14 | 6 | 8 | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 4 | 5 | | | | | 1 | | | 1 |
| 8. | Бино ва иншоотларни барпо этиш технологияси | 10 | 3 | 7 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 2 | 4 | 1 | | | | | | | 2 |
| 9. | Бинолар, шаҳар ҳудудларини комплекс қайта қуриш, тиклаш ва улардан самарали фойдаланиш | 5 | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | | | | | | | | 1 |
| 10. | Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш | 6 | 1 | 5 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | 1 | | 2 |
| 11. | Қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш | 2 | 2 | 0 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | |
| 12. | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш | 5 | 2 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | | | | 2 | |
| 13. | Гидротехника иншоотлари | 3 | 2 | 1 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | | |
| 14. | Кўчмас мулкни баҳолаш | 6 | 2 | 4 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | 3 | | | | | | | | |
| 15. | Бино ва иншоотларни техник баҳолаш | 6 | 3 | 3 | | 1 | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 2 | 1 | | 1 | | | | | |
| 16. | Қишлоқ аҳоли пунктларини қайта қуриш | 4 | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| 17. | Иссиқлик газ таъминоти | 7 | 2 | 5 | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | |
| 18. | Лойиҳалаш-технологик ва конструктив-технологик ечимларнинг тизимли таҳлили | 2 | 1 | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | |
| | **Жами** | **102** | **42** | **60** | **2** | **1** | **0** | **0** | **1** | **4** | **3** | **3** | **1** | **0** | **3** | **3** | **0** | **2** | **0** | **3** | **0** | **0** | **19** | **28** | **3** | **0** | **4** | **4** | **5** | **3** | **3** | **7** |
| | **Институт бўйича жами** | **816** | **249** | **567** | **5** | **10** | **4** | **5** | **4** | **23** | **6** | **13** | **4** | **15** | **9** | **17** | **3** | **10** | **12** | **23** | **3** | **6** | **42** | **115** | **5** | **6** | **13** | **16** | **22** | **45** | **119** | **358** |

600R/424


● Реклама ва эълонлар ●


## Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги




***Нукус шаҳрида 512 та рақам сиғимидаги «Coral Flexicom R3000» автомат телефон станциясини қуриш учун танлов эълон қилади.***

***Таклифлар эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.***

***Маълумот учун телефон: (8-361) 353-66-81. Факс: (8-361) 224-61-57.***

**Манзил: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 112-уй, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.**

598A/151

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ■ Навоий вилояти филиали ■

***бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан, Навоий вилояти ЖИБСнинг 2010 йил 27 августдаги 09-63-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, умумий майдони 600 кв.м. бўлган, Навоий шаҳри, Гулбоғ кўчаси, 945, 2, 3-уйда жойлашган тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 163 030 847 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 3 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 1 май куни соат 18.00 да.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20200800504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават. Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.**

**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz** *Лицензия: RR-0001.*

603-1A/1441

***Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!***

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

***«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.***

596-2R/1441



## ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА НЕФТЬ-ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР, диаметри 325-1620 мм., девор қалинлиги 6,0-24,0 мм., API-5L стандарти, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўмдан бошлаб.**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 000 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0-3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

03R/97


Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари Собир Боратович Холбаевга падари бузруквори **Борат ХОЛБАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Хоразм вилояти хўжалик суди раисининг ўринбосари Исроил Умаровга падари бузруквори **Сангир УМАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси жамоаси "Марказсавдоинвест" МЧЖ раиси Тиловмурат Умаровга акаси **Хайрулла УМАРОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

## Ҳиммат

*“Ўзпахтасаноат” уюшмаси томонидан Пахтакор ва Мирзачўл қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежларига таълим сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг амалиёт ўташлари учун қулайлик яратилди.*

# Коллежга ҳомийлик ёрдами

Хусусан, ўқув муассасаларига компьютер жамланмалари, 10 тадан тикув машинаси ва 100 тадан махсус кийим-бош туҳфа қилинди.

— Коллежимизда 1066 нафар ўқувчи 13 та мутахассислик бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда, — дейди Пахтакор қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Шуҳрат Турдиев. — Уларнинг 375 нафарини қизлар ташкил этади. Таълим жараёнида назарий машғулотлар амалиёт билан уйғун ҳолда олиб борилса, юқори самарадорликка эришилади. “Ўзпахтасаноат” уюшмасининг ҳомийлик ёрдами бу борадаги имкониятларимизни янада кенгайтирди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Соғлом турмуш тарзи

## инсон саломатлигининг мустаҳкам пойдеворидир

*Бугун юртимизда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларнинг тиббий маданият даражасини ошириш, жойларда соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.*

## Тиббиёт

Зеро, саломатликдек бебаҳо бойликни асраб-авайлаш хотиржам ҳаёт кафолати эканлигини ҳар бир киши чуқур англаб етсагина, хасталик ва у билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олишга муваффақ бўлиш мумкин.

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда ҳам шу хусусда сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди ходимлари, эндокринолог мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур тадбир қандли диабет хасталигига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлилига бағишланди. Таъкидланганидек, ҳозир ушбу хасталикка чалиниш даражаси жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Айни пайтда дунё бўйича 360 миллион нафар бемор рўйхатга олинганлиги бунинг далилидир.

Юртимизда қандли диабет хасталигига чалинган беморларни зарур дори-дармон воситалари билан мунтазам таъминлаб бориш ҳамда ушбу касаллик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётир. Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (РИЭИАТМ) ҳамда унинг жойлардаги диспансерлари замонавий даволаш-ташхис ускуналари билан жиҳозланиб, ушбу шифо масканларида фаолият юритаётган мутахассислар малакасини оширишга катта эътибор қаратилаётганлиги ҳам ана шундай эзгу ишлар сирасидандир.

Эътиборлиси, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги барча эндокринология диспансерлари қошида “Диабет мактаби” ва махсус маслаҳат-ташхис хоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили ноябрь ойида ўтказиладиган “Диабет ойлиги” тадбирлари эса соғлом турмуш тарзига амал қилиш борасидаги тушунча ва тасаввурларни янада бойитишга хизмат қилаётир.

Анжуманда шу каби ижобий натижалар эътироф этилиб, диабетология хизматини янада такомиллаштириш бўйича бажарилиши лозим бўлган галдаги муҳим вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди. Мутахассислар бу борада журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

**М. ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қулай ва кўркам

*Бўстонлиқ туманидаги 18-умумтаълим мактабида ёшларнинг сув спорти билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шарт-шароит яратилди.*

## Бунёдкорлик

Гап шундаки, таълим муассасасининг сузиш ҳавзаси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда “Машҳур” хусусий корхонаси бунёдкорлари 245 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-таъмирлаш ишларини бажардилар. Лойиҳа Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Шу билан бирга, мактабга жамғарма томонидан 32,4 миллион сўмлик турли сув спорти анжомлари ҳам туҳфа этилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


• Реклама ва эълонлар •

O'ZSANOATQURILISHBANK

2012 йил мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ янги «Оила капитали» номли хорижий валютадаги омонат турини таклиф этади.





% даромад олинг!

«Оила капитали» омонати шартлари:

- Омонат тури — жамғарма омонати.
- Омонатни сақлаш муддати — 12 ой.
- Омонатнинг минимал миқдори — 300 АҚШ доллари ва максимал миқдори чекланмаган.
- Омонатни сақлаш муддатида қўшимча маблағ қабул қилинади.
- Омонатга фоиз миллий валютада ҳисобланади ва ҳар ой тўлаб берилади.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган. Мурожаат учун телефон: (8-371) 120-45-24. веб-сайт: www.uzpsb.uz

604R/347



«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MChJ

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?



Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларининг **(+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85** телефонларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингиз оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Лицензия: RR-0001.

Унутманг!

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

563R/1441



HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD.

- Экскаваторы колесные и гусеничные
- Фронтальные погрузчики
- Мини-погрузчики
- Экскаваторы-погрузчики
- Вилочные погрузчики




ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

420R/320


## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 31 МАРТДАН 6 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Физиотерапевтик бўлинмалар (кабинетлар) ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 29 февралдаги 10-Б-сонли буйруғи.*

**2012 йил 31 мартда 2348-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 10 апрелдан кучга киради).**

2. «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда уларга электрон рақамли имзо калитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2012 йил 5 мартдаги 5-ю-сонли буйруғи.*

**2012 йил 5 апрелда 2349-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 15 апрелдан кучга киради).**

3. «Хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 2 мартдаги 5-сонли қарори.*

**2012 йил 5 апрелда 2350-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 15 апрелдан кучга киради).**

4. «Товар бозорида хўжалик юритувчи субъектлар бирлашмаларини ташкил этиш, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 28 мартдаги 6-сонли қарори.*

**2012 йил 5 апрелда 2351-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2012 йил 15 апрелдан кучга киради).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Хўжалик юритувчи субъектнинг 35 фоиздан ортиқ акциялари, улушларини олиш устидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома, 1-сон ўзгартиришлар» *(рўйхат рақами 1896, 2009 йил 5 февраль), (рўйхат рақами 1896-1, 2010 йил 8 июль). Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг қарори билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2012 йил 5 апрелдаги 81-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**


FIAT INDUSTRIAL

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

NEW HOLLAND AGRICULTURE




E 215



TL 100

100 л.с.

Итальянча сифат

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

240R/98



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5